
Муборак ҳаж сафаридан қайтган фурқатлик ҳожилар муносиб кутиб олинди

Муқаддас амални бажариб она юртга ёруғ юз ва юксак мақом билан қайтган ҳожиларимизни кутиб олиш маросими Фурқат туманида ҳам муносиб ташкил этилди.

Бугун туман ҳокимлиги, туман фаоллари ва бошқа бир қанча кутиб олувчилар иштирокида жами 48 нафар зиёратчиларимиз туман марказида кутиб олинди.

Ҳожиларнинг кўзларидаги қувонч ёшлари муқаддас маконда жонажон юртимиздан борган зиёратчиларга муносиб шароитлар яратилганлигини кўрсатиб турибди. Зиёратчиларимиз мамлакатимиз раҳбариятига ўз миннатдорчиликларини билдириб, юртимиз равнақи ва тинчлиги, халқимиз фаровонлиги учун муқаддас зиёратгоҳда кўплаб дуолар қилганларини мамнуният билан изҳор этишди.

2023-07-14 16:07:36